O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№45-46 (798-799) 2024 йил 14 июнь, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# БАРҚАРОР ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА КЕЛАЖАК САРИ



**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов Корея марказлашган иссиқлик таъминоти корпорацияси (KDHC) Бош директори Джонг Ёнг Ги бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга олий даражадаги ташрифи доирасида ташкил этилган учрашувда томонлар мамлакатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорлик барча соҳалардаги сингари иссиқлик таъминоти йўналишида ҳам мустаҳкамланиб бораётганлигини эътироф этдилар.**

Тадбирда мамлакатимиздаги марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини Корея тажрибаси асосида модернизация қилиш бўйича вазирлик ва KDHC ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, бугунги ҳолати ва келажакда режалаштирилган вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, иссиқлик соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва корпорация ходимларининг маслаҳат хизматларини мамлакатимизга жалб қилиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда иссиқлик таъминоти тизимини тўлиқ модернизация қилиш, барқарор ва экологик тоза келажак сари илдам қадамлар қўйилмоқда, – деди Шерзод Ҳидоятов. – Биз ўзаро ҳамкорлик орқали Кореянинг марказий иситиш тизимидаги муваффақиятли амалиётлари борасида сўнгги янгиликларни ўргандик. Меъёрий-ҳуқуқий базалар билан яқиндан танишиб, ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олдик. Шу боис, тўла ишонч билан айтаманки, марказлашган иссиқлик таъминоти соҳасида ташкилотларимиз ўртасида фикр, тажриба ва билим алмашиш йўналишида ҳамкорликни янада кучайтирамиз.

Учрашув якунида томонлар марказлашган иссиқлик таъминоти соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича икки томонлама англашув меморандумини имзоладилар. Мазкур меморандум марказлашган иссиқлик таъминоти ва когенерация соҳасида норматив базани такомиллаштириш, қозонхоналарни соз сақлашда техник хизмат кўрсатиш ва икки томонлама инсон ресурслари алмашинуви йўналишларида ишларни биргаликда ташкиллаштиришни мақсад қилган. Бунда мазкур ишлар учун KDHC Корея ҳукумати маблағларини жалб қилишда вазирликка кўмаклашади.

# БСК ходимлари учун семинар-тренинг

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 10 июнь куни энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда энергетика соҳаси объектларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида белгиланган асосий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республикадаги кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида фаолият олиб бораётган БСК ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.**



Семинарни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева очиб берди.

– Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга оптимал ечим бериш мақсадида юртбошимизнинг "Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, – деди Озода Жўраева. – Ушбу қарор билан бошқарув органларига қатор имтиёз ва имкониятлар яратилибгина қолмай, уларнинг муаммоларига ҳуқуқий ечим ҳам берилди. Мажбурий бадалларнинг энг кам миқдори белгиланиб, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари тизимлаштирилди. Мажбурий бадалдан қарздорликни электр энергиясига интеграция қилиш ишлари бошланди. Буларнинг барчаси БСК фаолиятида учраётган муаммолар эди. Биз ушбу лойиҳани тайёрлашда бошқарув компанияси вакилларининг фикрларини ҳам инобатга олишга ҳаракат қилдик. Ишонтириб айтаманки, соҳага бугунгидек эътибор ва қўллов ҳеч қачон бўлмаган. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, халқимизга сифатли хизмат кўрсатиш соҳа ходимларининг асосий мақсади бўлиши керак.

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, БСКларнинг намунавий бинолари сони 52 тага етган. Бугунги кунга эса уларнинг сони 105 тани ташкил қилмоқда. Йил якунига қадар яна 27 та намунавий бино фойдаланишга топширилади. Бошқарув органларининг дебитор қарздорликларини камайтириш йўлида ҳам қатор натижаларга эришилди. Яъни, 2022 йилда тушум 41 фоиз бўлган бўлса, 2023 йилда 66 фоизга етган. 2024 йилнинг январь-май ойидаги БСК тушумлари 95 фоизни ташкил қилмоқда. Бошқарув органлари тушумларининг ортиши натижасида уйларни таъмирлаш бўйича дастурлар қайта кўриб чиқилди ҳамда аввал режалаштирилган 1 685 та уй ўрнига 5 493 та уйни таъмирлаш белгилаб олинди. Ҳозирги кунда тушган маблағлар ҳисобидан 2 100 тадан ортиқ уй таъмирланди.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги кунда 1 889 та уйда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Сентябрь ойига қадар 3 400 га яқин уй таъмирланади ҳамда куз мавсумида 1,2 млн туп кўчат экилади. Шунингдек, жорий йилда уйларнинг кириш йўлакларига камида 50 мингта энергия тежовчи чироқлар ўрнатиш орқали истеъмол ҳажмини 30 фоизгача қисқартириш режалаштирилган. БСКларнинг молиявий аҳволи яхшиланиши ва қўшимча иш ҳажмининг ортиши натижасида ўтган 5 ойда 701 та янги иш ўрни яратилди. Сентябрь ойига қадар ушбу кўрсаткични 1 000 тага етказиш белгиланган.

Шунингдек, тадбирда прокуратура масъуллари ҳам иштирок этиб, бадал пулларининг ундирилиши, БСК вакилларига бу борада ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳар бир ташкилотда юристларнинг бўлиши кераклигини таъкидлади. Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича мутахассислардан жавоб олдилар. Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари Яккасарой туманидаги "Communal classic building" бошқарув компанияси фаолияти билан ҳам танишдилар. Қолаверса, бошқа намунали бошқарув компаниялари иштирокидаги ярмарка ва таништирув тадбири ҳам бўлиб ўтди. Турли вилоятлардан келган соҳа ходимлари бир-бири билан яқиндан танишиб, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, тажриба ва фикр алмашишди. Тошкент шаҳридаги намунали бошқарув-сервис компаниялари томонидан ташкил қилинган қўшимча хизматлар, тадбиркорлик фаолиятлари билан яқиндан танишиб, тегишли хулоса ва ғоялар олишди.

Бир сўз билан айтганда, семинар соҳа вакиллари учун ўзларини қийнаётган муаммоларга ечим топишда, кераклиги маълумотларга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этди, дейиш мумкин. Келгусида ҳам бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари ва семинар-тренинглар ўтказишга келишиб олинди.



# Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллашмоқда

**"Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар томонидан қабул қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликларни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.**



Жумладан, Жиноят кодексининг амалдаги 229-3-моддасининг санкциялари кучайтирилиб, бош режаларга зид равишда қурганлик, фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузганлик, кўп квартирали уйларни ертўла ва биринчи қаватидаги конструкцияларни бузганлик ва рухсат олмасдан қурганлик учун маъмурий жарималар қўлланилганидан сўнг, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг қайта содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланмоқда. Яъни, мазкур қилмишларнинг оғир ёки енгиллигига қараб маъмурий жазо тайинлангандан сўнг содир этилса – 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда.

Агар қонунбузарлик одамлар ўлимига сабаб бўлса ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган ҳолларда 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик тўғри квалификация қилиниши учун ҳар бир ҳуқуқбузарлик алоҳида қисм сифатида қайд этилмоқда. Инспекция ёки судларда содир этилиши мумкин бўлган коррупцияни олдини олиш мақсадида маъмурий жарималар миқдорини ягона қилиб белгилаш, яъни амалдаги маълум бир суммадан маълум суммагача деган нормадан воз кечиш назарда тутиляпти.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кўпайиб бораётган ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, тасдиқланган бош режаларга риоя этилишини таъминлаш, қурилиш сифатини ошириш ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликларни камайтириб, жазо таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

# Коммунал фаолият назоратда



**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева бошчилигида кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари фаолияти устидан назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Янгиҳаёт туманидаги Янги Чоштепа маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйлар ҳолатини кўздан кечирди.**

Таъкидлаш лозимки, вазир ўринбосари мазкур ҳудудда аввал ҳам бўлиб, аҳолининг муаммоларини ўрганган эди. Бошқарув органи фаолияти қониқарсиз деб топилиб, уйлар бошқа "Comfort city" БСКга ўтказилганди. Ҳозирда бошқарув органи томонидан 10 та янги иш ўрни ташкил этилган. Кўп қаватли уйлар техник ҳолатини яхшилаш, мавжуд муаммоларни олдини олиш юзасидан ҳам яхши натижаларга эришилган. Шунингдек, 60 млн сўм инвестиция маблағлари ҳисобига ер ости суғориш тизими йўлга қўйилмоқда.

Вазир ўринбосари бошқарув ташкилоти вакилларига кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан қатор вазифалар берди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (798-799) 2024 йил 14 июнь

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА



**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан аҳолини қурилиш ҳақидаги бугунги жараёнлардан бохабар қилиш мақсадида журналист, блогер ва кенг жамоатчилик иштирокида матбуот анжумани ташкил қилинди.**



Тадбирда иштирок этган соҳа мутахассислари ва экспертлар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди. Тадбирни очиб берган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Козим Тўлаганов шундай деди:

– Қурилиш соҳасидаги кўп йиллик фаолиятимдан келиб чиқиб айта оламанки, у тўлақонли масъулиятни зиммага олишни англатади. Биз энди иш бошлаган давр билан ҳозирги даврни таққослаб бўлмайди. Аммо ҳамиша актуал бўлган бир нарса борки, у ҳар даврда бизнинг оёғимиздан чалади. Бу – виждонсизлик. Баъзи “уддабуронлар”нинг халқ манфаатини ўйламаслиги оқибатида бутун соҳа ёмонотлиққа чиқади. Биз бундай тараққиёт кушандаларига қарши қатъий жазолар қўллаш, ножўя хатти-ҳаракат аниқланса, бутунлай қурилишдан четлатиш тарафдоримиз. Ушбу йўналишда қатор таклифлар тайёрланган бўлиб, жумладан, жарималар миқдорини кескин ошириш кун тартибида турибди. Президентимиз таъкидлаганидек, соҳада инсон омилини камайтириш, рақамлаштириш жараёнига ўтиш бобида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, бугун бизда тизим бор. Қолган камчиликларни бартараф этиш олдиндаги муҳим вазифамиздир.

Дарҳақиқат, қурилишдаги шиддатли ўсиш соҳанинг янги даражага чиққанини кўрсатиб турибди. Шунингдек, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган ҳолда такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, 2023 йил давомида Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 619-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан, лойиҳалаштириш ва қурилишнинг айрим фаолият турларини лицензиялашда ходимларнинг маълумоти, сони ва иш стажига бўлган талаблар кучайтирилиб, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилишда олий маълумотга эга мутахассисларнинг асосий иш жойи бўйича фаолият юритиш талаби белгиланди.



2024 йилнинг 1 апрелидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмаган ҳолда (рухсат олинмасдан) қурилган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун рухсатнома берилмайдиган бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларини самарали ташкил этишнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан давлат дастурлари доирасида 2025 йил 1 январдан бошлаб лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва объектларни фойдаланишга қабул қилишда қурилиш харажатларни баҳолашнинг “ҳажм” услубига ўтилиши белгиланган. Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб эса объектларнинг смета қиймати “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси маълумотлари асосида шакллантирилиши кўзда тутилган. 1 октябрдан бошлаб қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёни рақамлаштирилган ҳолда, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг “Қурилишда давлат назорати” электрон платформаси орқали расмийлаштирилади. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий ёндашувларни жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини янада ошириш, кучли зилзилаларни прогноз қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларга тайёргарлик кўришнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида 2024 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, соҳага доир қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан реновация лойиҳаси асосида ҳудудни меъморий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан самарали ҳолатга келтириш, яшаш, фойдаланиш, ишлатиш учун яроқсиз деб топилган авария ҳолатидаги уй-жой фондини инсон яшаши ва фойдаланиши учун яроқли ҳолга келтириш, уй-жой фондидан фойдаланиш қулайлиги ва унумдорлигини ошириш ҳамда ундаги шароитларни яхшилаш, замонавий мезонларга жавоб берадиган муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани яратиш, энергия самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ривожланган хорижий давлатлар (Франция, Сингапур, Қозоғистон, Грузия ва Россия) қонунчилиги тажрибасини ўрганган ҳолда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги ҳамда Жиноят кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиқов ушбу долзарб муаммога қуйидагича тўхталди:

– Замон жуда тез ривожланмоқда. Хусусан, қурилиш индустриясида ҳам иш кўлами сезиларли даражада ошган. Аммо замонавий технологияларни ўзлаштиришда сифатли кадрларга эҳтиёжимиз ортиб бормоқда. Соҳа бўйича магистрлик ва PHD бўйича илмий иш олиб бораётган ёшлар билан мулоқот каналини ташкил қилганмиз. Қилинаётган илмий-тадқиқот ишлари замонавий муаммоларни қамраб олиши ва муносиб ечим бериши лозим. Бугунги кунда институтнинг асосий бошқарма ва бўлимлари томонидан техник меъёрлаш, халқаро нормаларни уйғунлаштириш, илмий-тадқиқотлар ва инновациялар, стандартлаштириш, тизимлаштириш ҳамда атамалар, зилзилабардош қурилишга доир меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, ахборот технологиялари, энергоаудит ва энергосамарадорлик сингари йўналишларда устувор вазифалар ижроси таъминланмоқда. Институтимиз нафақат Осиё давлатлари, балки соҳада илғор нуфузга эга бўлган Европа мамлакатлари, хусусан, Франция, Италия, АҚШ, Япония, Хитой, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкам ўрната олди.

Шунингдек, 2023 йил давомида Тошкент шаҳрида 324 та рўйхатдан ўтмаган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган объектлар аниқланган. Улардан 240 тасига МЖтК 99-моддасининг тегишли бандлари билан маъмурий жарималар қўлланилган. Бугунги кунда 160 та объект ҳудудий инспекциядан рўйхатдан ўтган. Қолган объектларга нисбатан белгиланган тартибда тегишли чора кўриш ишлари олиб борилмоқда. 2024 йил бошидан 1 апрелгача Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтмаган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган 125 та қурилиш объекти аниқланган. Ҳудудий инспекциялардан рўйхатдан ўтган объектларда тизимли назорат ишлари ташкил этилган. Шунга қарамай, ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жарималар миқдорининг таъсири кам бўлганлиги боис қонунга зид ҳаракатлар давом этмоқда.

Шунингдек, матбуот анжуманида вазирлик томонидан ташкил қилинган яна бир қатор платформа, тизимлар, марказ ва институтлар фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бир сўз билан айтганда, тобора ривожланиб бораётган қурилиш индустрияси доимий янгиланиш, замонавий услубларни қўллаш, хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш каби вазифаларни талаб қилиши табиий. Ўйлаймизки, соҳада амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлар ва саъй-ҳаракатлар келгусида ўз самарасини беради.



**Мансуржон НИЁЗМУҲАММЕДОВ,**
Ўзбекистон Қурувчилар ассоциацияси раиси:

*– Қурувчилар ассоциациясини ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад – тадбиркор ва аҳоли орасида мулоқот кўпригини яратиш ва жамоат назоратини кучайтиришдан иборат. Бугун ҳар қачонгидан ҳам сергак бўлиб, ўз вазифамизга сидқидилдан ёндашишимиз керак. Қурилишнинг ҳар бир нуқтасини давлат назоратга ололмайди. Бу имконсиз. Ҳазрати Алининг бир машҳур гапи бор: Ҳар бир ишнинг яширин гувоҳи виждондир. Дарҳақиқат, ҳамма виждонан ишласа, аслида назоратчига ҳам иш қолмайди. Энг аввало, бурч ва вазифаларимизга тўғри муносабатда бўлишимиз керак. Шундагина сифатли лойиҳалар сони ошиб, юртимиз обод бўлишда давом этади.*

# "SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" DM

va uning hududiy filiallari jamoalari

## Qurbon hayiti

MUNOSABATI BILAN BARCHA YURTDOSHLARIMIZNI SAMIMIY QUTLAYMIZ.

Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo bo'lsin!
Oilangizdan qut-baraka arimasin!
Salomatlik, baxt va saodat aslo tark etmasin!





O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (798-799) 2024 йил 14 июнь

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

**Илҳомжон СОБИРОВ,** Қорақалпоқ давлат университети талабаси.

**Қорақалпоғистонга бундан беш йил аввал борган инсон бугун уни осонгина таний олмаслиги мумкин. Боиси, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, шаҳарсозлик, қишлоқ ободлиги йўлидагиислоҳотлар натижасида бу замин ҳам кўркам қиёфа касб этмоқда. Хусусан, 2024 йилги Давлат дастурида ҳам кенг кўламли қурилиш ишлари белгиланган бўлиб, йил бошидан буён уларнинг бир қисми амалга оширилди.**



Шу қаторда Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида ижтимоий объектлар, йўллар, “Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли уй-жойларни сифатли, тез ва ўз вақтида бажаришга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда Республика ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, ҳудудларда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишди.

Хусусан, ишчи гуруҳ Беруний туманида жойлашган бетон ва асфальт ишлаб чиқарувчи “Шаббоз Тош” МЧЖ, 49-умумтаълим мактабида “Очиқ бюджет” асосида бунёд этилган футбол майдончаси, У. Жуманиёзов номидаги ОФЙда жойлашган оилавий поликиника биноси, “Кашфиётчи ёшлар” МЧЖ томонидан қурилган туман марказидаги кўп қаватли уйлар ва бошқа яна 15 дан зиёд ижтимоий объектдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари соҳада бюджет маблағларини талон-торож бўлишини олдини олиш, коррупция аралашишига йўл қўймаслик, яширин иқтисодиётга чек қўйиш ва объектларни ўз вақтида ҳамда сифатли топширилишини ҳам назоратдан ўтказди.

Ўрганишлар натижасида қурилиш олиб борилаётган объектларда ишчи-ходимлар томонидан йўл қўйилган бир қанча хато ва камчиликлар аниқланди. Хусусан, Беруний туманидаги 2-сонли касб-ҳунар мактабида автомобиль ҳайдашни ўргатувчи майдонча, ўқувчилар учун волейбол ва баскетбол майдончалари қурилиши жараёнида асфальт маҳсулотининг белгиланган миқдорда ишлатилмагани, сифатсиз хомашёдан фойдаланилгани, қурилиш ишларига масъулиятсизлик билан қаралгани аниқланди. Ушбу камчиликлар бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, назорат тадбирлари давомида кўрилган чоралар натижасида ишлаб чиқилган ҳар бир лойиҳа прокуратурадаги штаб томонидан ўрганилиб, 82 та объектнинг дастлабки лойиҳа-смета ҳужжатларидаги 83 млрд сўм маблағ мақбуллаштирилди. Шунингдек, 23 та объектда 1,8 млрд сўмлик амалда бажарилмасдан ҳисоботларга қўшиб ёзилган ҳамда 37 тасида сифатсиз бажарилган 2,1 млрд сўмлик ишлар бартараф этилди. Белгиланган қоидаларга бўйсунмаган бир нечта шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари секинлик билан кетаётган 100 дан ортиқ объектга яна 1 361 нафар ишсиз фуқаро жалб этилиб, иш самарадорлиги ошишига эришилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари “Янги Ўзбекистон” массивларидаги уй-жойлар, инфраструктура ва комуникация тармоқларини қуриш объектларидаги буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ташкилот раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Унда асосан қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати, объектларнинг ўз вақтида битирилиши ва бюджет маблағларини сифатга таъсир қилмаган ҳолда тежаш ҳақида фикр юритилди. Учрашув давомида 26 нафар пудратчининг кредит, кадастр, газ ва бошқа турли масалалардаги муаммолари тингланиб, улардан 5 таси шу жойни ўзида ҳал қилинди, 21 таси эса назоратга олинди.

Йил бошида давлат дастурига киритилган қурилиш-таъмирлаш ишларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши, маблағларни мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижроси юзасидан аниқ муддатлар билан йўл харитаси тасдиқланиб, ижроси назоратга олинди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

# Имом ота туризм қишлоғига саёҳат

**Зиё СИРОЖ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири

**Вақт тез ўтяпти. Кечагина дарахтлар куртак ёзиб, баҳор илк ифорини тарата бошлаган эди. Бугун бўлса, ёз фаслидамиз! Ҳар умрнинг ўз безаги бўлгани каби фаслнинг ҳам зийнати бисёр. Жумладан, ёз фасли нафақат пишиқчилик, мўл-кўлчилик давридир, балки, дам олиш, саёҳат қилиш палласи ҳам. Бу вақтда барча табиат қўйнига, қутлуғ қадамжоларга, муқаддас зиёратгоҳларга боришни хоҳлайди. Сафарнома саҳифасини бошламоқчи бўлганлар учун эса Андижон вилоятидаги энг баҳаво манзиллардан бири ҳақида маълумот берамиз.**



Айтиш жоиз, вилоятда 400 дан ортиқ сайёҳлик объекти мавжуд. Улар таркибига музейлар, истироҳат боғлари, археологик ва тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, дам олиш масканлари киради. Қай бирига қадам ранжида қилманг, барчасида миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизга шоҳид бўласиз. Зеро, манзилларнинг шаклу мақсади, мазмуни ҳар хил, бироқ, ёндашуви бир.

Мисол учун, Имом ота зиёрат масканини олайлик. Хўжаобод туманининг қўшни Қирғиз Республикаси билан чегарадош тоғли ҳудудида жойлашган бу манзил Тош ота маҳалласида жойлашган. Ҳудуд туризм қишлоғи мақомига эга бўлгани боис, аксарият оилалар сайёҳларни кутиб олиш, уларга қулай шароит яратиш билан шуғулланади. Қишлоқ тоғ ёнбағрида жойлашганлигининг ўзи диққатга моликдир. Бу жойга ёзнинг иссиқ иқлимида келсангиз ҳам соя-салқиндаги сўрида бир сония тин олиб, барча чарчоқларингизни унутасиз.



Қишлоқнинг энг диққатга сазовор жиҳати – Имом ота мақбарасидир. Бу жой ҳақидаги ривоятда айтишларича, Имом ота тасодиф ила ўз отаси билан кураш тушади. Рақиби падари бузруквори эканлигини кейинчалик билади. Бу унга қаттиқ таъсир қилади. Ўз отасига қарши курашганидан виждони азобланиб, ғор ичига кириб кетганча, қайтиб чиқмайди. Тарихий манбаларда маълум қилинишича, у Муҳаммад Ханафий Бобо Хуросон тахаллуси билан элга машҳур бўлган Хуросон ҳокими Ҳазрат Алининг ўғли эди. Ўрта Осиё ҳудудига Ислом динининг кириб келишига қўшган ҳиссаси учун Имом ота тахаллусини олган. Мақбара ичида бу ҳақида етарлича маълумотлар баён этилган ва ривоятда айтилган ғорга шу жойдан кирилади.

– Асли Фарғона вилоятида туғилганман, – деди зиёратчи Гульфира Рифатова. – Ҳозирда Россия Федерациясида истиқомат қиламан. Бу ерга болалигимда бир марта келган эдим. У пайтлари бунчалик қулай шароит мавжуд эмас эди. Ҳозир мақбара таъмирланибди, аёллар ва эркаклар учун намозхоналар қурилибди, зиёратчилар учун айвонлар барпо этилибди. Аслида, нафас олишимда муаммо бор. Бироқ, шу ерга келганимдан буён дардим хуруж қилмади. Бу ҳам бўлса, унинг баҳаво эканлиги ва сувининг шифобахшлигидан далолатдир.

Аксарият ҳамюртларимиз бу ерга Имом ота қабрини зиёрат қилиш учун келишади. Бироқ, Имом отанинг эмас, балки, айнан мана шу жой тараққиётига сабаб бўлган Тош отанинг қабрига дуч келадилар. Сабаби, қишлоқда Имом ота қабри мавжуд эмас. Шундай бўлишига қарамай, меҳмонлар унинг номи билан аталувчи мақбарада бўлишиб, яхши тилаклар билдиришади ва қуръон тиловат қиладилар. Қишлоқда ташриф буюрувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, аттракционлар, ошхона, дам олиш масканлари, савдо шохобчалари, транспорт воситаси ва бир қанча дала уйлари уларнинг хизматида.

– Биз туғилмасимиздан аввал ҳам бу қишлоқни зиёрат қилувчилар сони кўп бўлган, – деди шу маҳаллада яшовчи Назар ота Аҳмадалиев. – Эсимда, болалигимда ҳовлимизнинг бир четида супамиз бўлар эди. Ўша жой ҳар куни меҳмонлар билан банд бўларди. Бобом ўчоқда таом тайёрлаб берар, райҳон ҳиди дам олувчиларнинг димоғини қитиқлар эди. Шу тариқа уйимиз дала ҳовли вазифасини ўтаб келган. Йиллар ўтгани сари меҳмонларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам орта бошлади. Эндиликда улар учун алоҳида айвон ва хоналар барпо этдик. Чўмилиш, овқат қилиш, турли спорт ўйинлари билан шуғулланишлари учун шароит яратдик. Ўндан ортиқ манзарали ва 50 тупдан зиёд мевали дарахтдан иборат мўъжазгина яшил макон меҳмонларнинг жону дили.

Кишиларнинг бу ерга ташриф буюришининг бир қанча сабаблари бор. Масалан, мақбара ортидаги йўлакдан тоғ ён бағирлаб юқорига кўтарилсангиз бошқа манзилларда учрамайдиган дарахт навларига кўзингиз тушади. Майсаю ўтлоқлар баҳри-дилингизни очса, салобатли тоғ кўриниши кўнгилдаги барча ғуборларни ювиб ташлайди. Мақбаранинг рўпарасидан йўл олган иккинчи тоққа кўтарилиш бироз куч талаб қилади. Манзилга элтувчи зиналардан одимлаб борар экансиз, сўлим қишлоқ аста-секин кафтингизга кўчаётгандек тасаввур уйғотади. Шунда қишлоқнинг ҳали сиз кўриб улгурмаган бошқа ҳудудларидан ҳам баҳраманд бўласиз. Бу ердаги “Орзу” ғори ана шу имконият эшикларини очувчи манзил ҳисобланади. Ғор қисқа масофадан иборат бўлиб, унинг кириш қисми бор, холос. Бироқ, у берган баҳрамандликни бошқа жойдан топиб бўлмайди.

Тоғ бағридан сизиб чиқувчи табиий ва шифобахш сувнинг боши қаерда эканлигини ҳали билгувчилар йўқ. У айнан қайси манзилдан бошланиши, деярли, ўрганилмаган. Бироқ, шуниси маълумки, у шифобахш хусусиятга эга бўлиб, ўнлаб касалликларни даволай олади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, у оддий тоғ суви бўлиши мумкин. Бироқ, тошлардаги минерал бирикмалар қўшилиб, ажойиб хусусият кашф этган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳам айнан шу сувдан фойдаланилади. Имом ота туризм қишлоғида бундан ташқари турли тош бўлаклари, ғорлар, тепаликлар мавжудки, уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Қарши туманида туризм-дам олиш маркази иш бошлади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Яқинда Қарши туманининг Қуйи Бешкент маҳалласида “Okean” туризм-дам олиш масканининг расмий очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда вилоят ҳокими Муротжон Азимов иштирок этди.**








Мазкур эко туризм лойиҳаси “Oktam’s Fish” МЖЧ томонидан ишга туширилиб, унинг қиймати 2 млрд сўмни ташкил этади. Катта сиғимга эга ушбу туристик мажмуа 1 гектарга яқин майдонни ўз ичига олади ва унга 100 метр чуқурликдан 4 та артезиан қудуқда сув чиқарилади. Дам олиш масканида сайёҳлар учун сунъий шаршара, волейбол, мини футбол, сув ҳавзаси, овқатланиш шохобчалари ҳамда кафе-барлар ишлаб турибди. Лойиҳа ишга тушиши билан бу ерда 15 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумот учун, “Oktam’s Fish” МЖЧ 2018 йилдан буён фаолият юритиб, бугунги кунда корхонада 12 та сунъий ҳавзада интенсив усулда 3-4 тоннага яқин балиқ етиштирилади.

Шунингдек, туризм соҳасини ривожлантириш вилоятга хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришни тақозо этади. Шу мақсадда, ҳудудларда янги туристик масканлар ҳам ташкил этилмоқда. Бу борада жорий йилнинг 3 июнь куни Президентимиз томонидан ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Шаҳрисабз туманида ушбу тармоқни ривожлантириш борасидаги ишлар алоҳида эътироф этилиб, келгусидаги режалар, йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида кўрсатмалар берилган эди.

Шунга асосан, Шаҳрисабз туманида умумий қиймати 318 млрд сўм бўлган ҳар бири 400 ўринли 2 та меҳмонхона, 78 млрд сўмлик савдо ва кўнгилочар марказлар, 65 млрд сўмлик 3 та жами 300 ўринли хостелларни ўз ичига олган туризм мажмуаси бунёд этилмоқда. Албатта, бу каби амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар туризм ҳудудида жойлашган туманга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини ошириш баробарида, ҳудуд иқтисодиёти ривожида ҳам муҳим ўрин тутади.

# Тўртта маҳалла аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди

**Қамаши туманида ҳам тоза ичимлик суви таъминоти йиллар давомида ҳудуднинг энг оғриқли нуқталаридан бўлиб келган. Хусусан, айни пайтда туманда 280,6 минг аҳолидан 56,5 минг нафари яъни 20,1 фоизи марказлашган ичимлик сув билан таъминланган. Ваҳоланки, бундан бир йил аввал бу кўрсаткич 14 фоизни ташкил этган.**

Кейинги йилларда вилоятда сув танқислигининг олдини олиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу кўрсаткич сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу борада туман марказидаги Манғит, Зафар, Ўзбекистон ва Ибн Сино маҳаллаларини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида лойиҳа қиймати 20, 9 миллиард сўм маблағ эвазига 96 км тармоқ тортилди. Янгидан 2 та янги сув иншооти қурилиб, 4 минг 500 дона сув ҳисоблагич ўрнатилди.

– Маҳалламиздаги ҳар бир уйга тоза ичимлик суви кириб келди, – деди қамашилик Ситора Фармонова. – Авваллари ичимлик сувини махсус машиналардан 70 мингга сотиб олар эдик. Ҳозирги нархлар эса олдингидан 7 баравар арзон. Ушбу шароитлар учун давлатимизга миннатдорчилик билдирамиз.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

# Эл суйган бахшига эҳтиром

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Она юрт мадҳи ва халқ оғзаки ижоди намуналарини куйлаган бахши-оқинлар ҳақида сўз юритилганда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом Шоир, Пўлкан шоирлар қаторида Фозил Йўлдош ўғли ҳам чуқур эҳтиром билан ёдга олинади.**

Булунғур бахшичилик мактабининг атоқли намояндаси бўлган ижодкор достонлари билан нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ҳассос шоир ҳисобланади. Шу боис, ҳозирги авлод бахши номини ҳурмат билан тилга олиб, унинг меросини абадийлаштиришга интиляпти. Бинобарин, Фозил Йўлдош ўғли туғилиб ўсган қишлоқда амалга оширилаётган кенг кўламдаги қурилиш-ободонлаштириш юмушлари ҳам ана шу саъй-ҳаракатнинг исботидир.



– Фозил бахши таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан Булунғур шаҳрида унга ҳайкал ўрнатилиб, музей ва хиёбон ташкил этилган эди, – деди “M.Darunn” МЧЖ директори Дониёр Қаҳҳоров. – Айни пайтда эса маҳаллада 500 ўринли амфитеатр қурилиши жадал давом этмоқда. Самарқанддаги “Нурли келажак ишонч сервис” жамияти бинокорлари эса қарийб 3,5 миллиард сўмлик объектни фойдаланишга топшириш учун астойдил бел боғлашган.

Шунингдек, “Elite building” МЧЖ қурувчилари томонидан тикланган ҳамда барча қулайликка эга маҳалланинг янги биноси атрофини ободонлаштириш, боғ яратишга ҳам катта эътибор қаратиляпти.

– Фозил Йўлдош номли МФЙда 3680 нафар аҳоли истиқомат қилади, – деди МФЙ раиси Ҳикматилла Қозоқов. – Ҳукуматимиз ташаббуси билан бошланган бунёдкорлик ишлари халқимизга илҳом бағишлаётир. Маҳалланинг ҳар бир гўшасида бугун жўшқин меҳнат авж олган. Учта мактаб, 2 та МТТ, оилавий шифохона, кўчалар, ҳатто ҳовлиларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз.

Бир сўз билан айтганда, саховатпеша қурувчиларнинг ўз маблағи ҳисобидан амфитеатр ва маҳалла марказини қуриб бераётганлиги, атрофга анвойи гул ва турфа дов-дарахтлар экаётганлиги бу ерда яшовчи аҳолини ҳам ғайрат-шижоатга чорламоқда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (798-799) 2024 йил 14 июнь



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Бошқарма бошлиғи ёшлар даврасида

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Рўзматов Боёвут туманидаги Бунёдкор ва Лайлаккўл маҳалласида истиқомат қилувчи ёшлар билан учрашиб, яқиндан суҳбатлашди.**

Бошқарма бошлиғи ёшлар билан суҳбатлашиш давомида икки нафарига ўзининг қизиқишларидан келиб чиқиб, пайванд қилиш (сварка) ускунаси ва металл кесувчи (болгарка) ускуналарини топширди. Бир нафарига эса олий таълим муассасасидаги ўқиши учун контракт тўлови ҳомийлик ҳисобидан тўлаб берилди.



Шунингдек, бошқарма бошлиғи Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактабида ташкил этилган ёзги "Кабутар" болалар оромгоҳида ҳам бўлди. "Келажак пойдевори" номли болаларни кичик ёшидан касбга йўналтириш бўйича тўрт босқичдан иборат интеллектуал ўйинни кузатиш жараёнида шаҳарда қурилиши режалаштирилган "Гулистан сити" мажмуаси ҳамда Гулистон Педагогика институтининг янги ўқув бинолари ҳақида болаларга маъумот берди. Ўйин сўнгида ғолиб бўлган гуруҳлар бошқарманинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

# ЯНГИ МАССИВДАГИ УЙЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

**Муҳиддин ЗАЙРИДДИНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Республикамизда аҳоли сони кундан-кунга ортмоқда. Бу эса турар жойларга бўлган талабни янада ошириш билан бир қаторда, ердан унумли фойдаланиш, баланд бинолар қурилиши бўйича янги лойиҳалар яратишга ҳам сабаб бўлмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-70-сонли фармонида 2024 йилда ҳам "Янги Ўзбекистон" массивларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Шу муносабат билан яқинда пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Ийк ота" МФЙ ҳудудида барпо этилган "Янги Ўзбекистон" массивидаги хонадонлар ўз эгаларига топширилди. Янги массивнинг очилиш маросимида масъуллар, нуронийлар, жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари ва янги хонадон соҳиблари иштирок этишди. Янги уй соҳибларининг қувончи чексиз.

Замонавий инфратузилмани ўзида мужассам этган массивда 1 352 та хонадондан иборат 18 та кўп қаватли уй барпо этилган. Уйларнинг 2 таси 16 қаватли, 16 таси эса 10 қаватдан иборат. Сўнгги 9 ойдаги бунёдкорлик намунаси бўлган уйлар ана шундай қисқа муддатда "Ozshahar qurilish invest" инжиниринг компанияси томонидан барпо этилди. Шу пайтгача "Ийк ота" тарафларда бундай осмонўпар бинолар мавжуд эмас эди. Узоқдан олов рангда кўзга яққол ташланиб турган янги иморатлар юзлаб оилага ватан бўлиш билан бирга ҳудудга ҳам ўзгача қиёфа бағишлаб турибди.

Турар жой мажмуаларидаги хоналар ажратилган, ташқи эшик ва деразалар ўрнатилган, электр ва сантехника тизимидаги ишлар ҳам якунига етган. Ҳароратни мўътадил сақлаш мақсадида ташқи деворлар базальт қопламаси билан қопланган. Шунингдек, бинога замонавий лифтлар, энерготежамкор қуёш панеллари ўрнатилган. Атроф обод этилиб, замонавий болалар майдончалари ҳам барпо этилган. Бундан ташқари, лойиҳада машиналар учун ер усти автотураргоҳлари ҳам мавжуд.

# Ховос туманида сайёр қабул ташкил этилди

**Ховос тумани ҳокимлигининг кичик мажлислар залида Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Рўзматов томонидан Янгиер, Ширин шаҳарлари ҳамда Ховос тумани фуқаролари учун сайёр қабул бўлиб ўтди.**




Унда 3 та туман ва шаҳарлардан келган 20 га яқин фуқаро, қурилиш соҳаси ходимлари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошқарув сервис компания (БСК)лари вакиллари иштирок этишди.

Қабул давомида йўлланган мурожаатларнинг аксарияти шу жойнинг ўзида ечимини топди. Бундан ташқари, баъзи мурожаатлар жойига чиққан ҳолда ўрганилди ва муаммоларни бартараф қилиш бўйича аниқ режалар белгиланди. Ечими вақт талаб этувчи мурожаатларни ижобий ҳал этиш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

# Рейд тадбири ўтказилди

**Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси масъул ходимлари ва ОАВ вакиллари билан ҳамкорликда рейд тадбири ўтказилди.**

Рейд давомида Гулистон шаҳрида қурилаётган кўп қаватли бинолар ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг қурилиш жараёнлари, сифати, қандай қурилиш материалларидан фойдаланилаётгани ҳамда зилзилабардошлилик ҳолати қай даражада талабга жавоб бериши аниқланди. Жумладан, тадбир давомида "Гулистон интерфутбол" МЧЖ, Гулистон Педагогика институтининг янги ўқув биноси, Гулистон Давлат университетининг "Ёшлар маркази" кутубхонаси биноси ҳамда бошқа объектлар ўрганилди.



Ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни тез фурсатда бартараф этиш бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

# Истанбулга илк парвоз амалга оширилди




**Оқилхон ДАДАБОЕВ,** ЎзА мухбири.

**Икки қардош мамлакатлар – Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқиндагина Туркияга амалга оширган давлат ташрифи, айниқса, кенг алоқаларга янада катта йўл очди.**

Ушбу ҳамкорлик алоқаларининг маҳсули сифатида юртимиздаги хусусий авиаташувчи ташкилот – "Qanot Sharq" авиакомпанияси томонидан "Истанбул – Наманган" ва "Наманган – Истанбул" йўналишида биринчи парвоз амалга оширилди.

Авиакомпаниянинг "Airbus 321" русумли ҳаво кемаси илк бор Истанбул шаҳридан гуллар шаҳри Наманганга 119 нафар йўловчини олиб келди. Анъанага мувофиқ ҳаво кемаси водий ҳаво дарвозаси – Наманган халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Унда рўйхатдан ўтиш олдидан аэропорт директори ва авиакомпания вакили қизил лента кесиб, рамзий маънода "Наманган – Истанбул" йўналишидаги илк парвозга старт берди.

Шу тариқа илк рейсда Наманган осмонидан учган "Qanot Sharq"нинг ҳаво кемаси 184 нафар йўловчини Туркия заминига олиб кетди.

"Истанбул – Наманган" йўналишидаги парвозлар ҳафтада икки марта амалга оширилиши режалаштирилган.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# Ёшлар билан учрашув

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлатириш бўйича вилоят комиссиясининг қарорига кўра, 2024 йилда алоҳида ишлаш талаб этиладиган ёшлар ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасаси раҳбарларига бириктирилган.**

Шу қаторда, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи Азамат Эламоновга бириктирилган махсус тоифадаги ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётга мослаштириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу масаладаги навбатдаги учрашув Хива шаҳридаги Гулирайҳон маҳалласида яшовчи 15 нафар ёшлар, ёшлар етакчилари ва маҳалла раиси иштирокида бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг ҳар бири билан батафсил суҳбатлашиб, алоҳида "йўл харита"лар ишлаб чиқилди.

# Қўғирчоқ театри янги бинода

**Хива шаҳрида вилоят қўғирчоқ театрининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Кўҳна шаҳар марказининг энг сўлим гўшасида қад ростлаган вилоят қўғирчоқ театрининг очилиши чинакам тантана тусини олди. Унда хориждан, пойтахтдан ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан келган меҳмонлар, нуронийлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этишди.**




Тантанали тадбирда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов ҳам иштирок этиб, йиғилганларни янги санъат кошонасининг очилиши билан муборакбод этди.

– Театримиз репертуарида 103 та спектакль бўлиб, ижодий жамоа Германия, Буюк Британия, Россия, Хитой, Туркия, Озарбайжон каби давлатларда гастроль сафарларида бўлган ва қатор халқаро фестивалларда фахрли ўринларни эгаллаган, – деди Хоразм вилоят қўғирчоқ театри директори Давронбек Отабоев. – Артистларимиз томошалар қўйиш билан бир қаторда ўзлари саҳнани безатишади, қўғирчоқлар ва уларга кийимлар тикишади, мусиқий асбобларни чалиб, рақсга тушади, қўшиқ куйлайди. Жамоамизга кўрсатилган бундай эътибордан жуда ҳам хурсандмиз.

Тадбирда Республика миллий қўғирчоқ театри, Қорақалпоқ қўғирчоқ театри, Наманган, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилояти қўғирчоқ театрлари, шунингдек, вилоятдаги Жайхун театри раҳбарияти номидан театр жамоасига қутловлар ва эсталик совғалари топширилди.

Янги бино қурилиши учун бюджетдан 13 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 160 ўринли томошалар зали бунёд этилди. 65 нафар ходим меҳнат қиладиган ижодий жамоа учун зарур барча шароит яратилган. Меҳмонларга янги театрда илк саҳна асари – "Жалолиддин Мангуберди" спектакли намойиш этилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

# Аҳоли бандлиги таъминланяпти

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири

**Тошлоқ туманидаги "Сойбўйи" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳунар ортидан ҳурмат қозониб оиласи тўкинлигини таъминлаб келаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар қаторида Хайрулло Маматов ҳам ўз ҳунари билан танилганлардан.**



Ҳунарманд ака-укалари Насибилло ва Сайдуллолар билан меҳнат қилиш баробарида 4 нафар шогирдини ҳам ҳунарга ўргатиб, даромадли қилмоқда.

Х. Маматов ўз хонадонида оилавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу жойда ташқи ва ички безаклар учун гипсдан турли хил маҳсулотлар тайёрланади.

– Уч ака-укалар ҳунаримиз билан оиламиз тўкинчилиги йўлида меҳнат қиляпмиз, – деди ҳунарманд. – Асосан, гипс маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз. Усталар томонидан берилган буюртмаларни тайёрлаш баробарида ўзимизнинг ҳам дўконимиз учун турли хил безак маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз.

Ишлаб чиқариш жараёнида кунига 40-50 қоп гипс маҳсулотидан безаклар тайёрланади. Асосан қўл меҳнати талаб қилинадиган ҳунардан шунга яраша даромад ишлаб топилмоқда.

– Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилган Хайрулло Маматовга ўтган йили 18 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, – деди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шерзоджон Мамасаидов. – Бунинг эвазига ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгайган. Бундан ташқари, туман саноат зонаси ҳудудидан 14 сотих жой ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳунарманд қурилиш ишларини якунламоқда. Келгусида бу жойда ишлаб чиқариш кўламини ошириш ҳисобига яна ўн нафар иш ўрни яратилади.

# Ноқонуний қурилмалар бартараф этилмоқда

**Хоразм вилоятида Кадастр агентлиги бошқармаси томонидан ер ва кадастр назорати тадбирлари кучайтирилмоқда. Ноқонуний қурилмалар қуриб, давлат ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаган фуқароларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўрилмоқда.**

Хусусан, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида кадастр агентлиги бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 997 ҳолатда 106 гектарга яқин ер майдони ноқонуний эгаллаб олинганлиги аниқланди. Тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида 391 та ҳолат фуқароларнинг ўз ҳисобидан бартараф этилди. 351 ҳолатда эса суд ва прокуратура органларига тақдимномалар киритилди.

– Шовот тумани ҳудудида ерларни ноқонуний ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатларни ўрганиш жараёнида 138 та ана шундай вазият аниқланди, – деди Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қодирберган Олланазаров. – Уларнинг 46 таси ихтиёрий равишда фуқароларнинг ўзлари томонидан бартараф қилинди. 53 та ҳолат юзасидан эса ҳудудий судларга даъво аризалари киритилди.

Ер давлат мулки, жамиятимиз бойлиги. Ундан оқилона ва тўғри фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (798-799) 2024 йил 14 июнь













"QISHLOQQURILISHLOYIHA" MCHJ
Kirib kelayotgan
Qurbon hayiti
yurtimizga baraka olib kelsin.
Qilgan yaxshi amal va ehsonlaringizga
Alloh ajr bersin!
Kelasi ayyomlarga sog'-salomat yetib
borish har birimizga nasib qilsin.


"O'zshaharsozlik LITI"
BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI
·1928·
Kirib kelayotgan Qurbon hayiti
bilan barcha yurtdoshlarimizni tabriklaymiz.
Qalbingizdagi barcha ezgu niyatlar amalga oshsin!
Xonadoningiz doimo tinch bo'lsin!


SURXONDARYO VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI
Aziz vatandoshlarimizni muqaddas
Qurbon hayiti
bilan muborakbod etamiz.
Yurtimiz tinch, hayotimiz farovon bo‘lsin!


TOSHKENT SHAHAR
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI
Barcha vatandoshlarimizni dinimizning go‘zal bayrami –
Qurbon hayiti
bilan samimiy qutlaymiz.
Yurtimiz obod, xalqimiz hayoti farovon bo‘laversin.
Qalbimizni iymon va diyonat tark etmasin!


Qurbon hayiti
munosabati bilan yurtdoshlarimizni chin qalbdan muborakbod etamiz.
Yurtimiz tinch, dasturxonlarimiz to‘kin-sochin bo‘lsin. Xonadoningizdan qut-baraka, oilangizdan tinchlik arimasin.
FARG‘ONA VILOYATI
QURILISHDA TANLOV SAVDOLARI VA NARXLARNI SHAKLANTIRISH HUDUDIY KONSALTING MARKAZI


SAMARQANDDAGI “XAMKOR LTD” MCHJ
Jonajon yurtimizning aziz xalqini muborak ayyom –
Qurbon hayiti
bilan qutlaydi.
Ezgu amallaringiz ijobat bo‘lib, xonadonlaringizdan fayzu baraka arimasin!


“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИНИ
ижтимоий тармоқларда ҳам кузатиб боринг!
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor.uz
@uzbunyodkor



## SAMARQANDDAGI “UNIVER PRO STILE” MCHJ

*Bayramlarga boy ona diyorimiz ahliga yana bir go'zal ayyom muborak bo'lsin!*
*Yurt ravnaqi,xalqimiz farovonligi yo'lida olib borayotgan faoliyatingizda omad hamisha yor bo'lsin!*

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2024 йил 7 июндаги 02-01/24-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги асосий воситалари чиқарилмоқда:**

1. 28 турдаги таъмирталаб қониқарсиз ҳолатдаги компьютер, ноутбуклар, мебель ва электротехникалар. **Бошланғич баҳоси** – 14 193 901 сўм.
2. 2018 йилда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб қониқарсиз ҳолатдаги сервер. **Бошланғич баҳоси** – 6 573 629 сўм.
3. 2020 йилда ишлаб чиқарилган таъмирталаб қониқарсиз ҳолатдаги сув аппарати (куллер). **Бошланғич баҳоси** – 610 470 сум.

**Аукцион савдо 2024 йил 15 июль куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” манзилида жойлашган “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача. Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7005 7145 2012АТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.
**Тел.:** 61-222-84-44.
**Расмий сайт:** www.rmm.uz

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларига таклиф этади!

**“POSCO” МЧЖ ХКнинг 2024 йил 31 майдаги 24-INF-102-сонли буюртманомасига асосан, Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, “Хумдон” МФЙ, Шарқ кўчаси, 89-“А” уй манзилида сақланаётган қуйида кўрсатилган дастгоҳлар баҳоси кўтарилиб бориш тартибида очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

| № | Маҳсулот | Сотиб олинган йили | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бошланғич нархи ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Оҳорлаш линияси (Haein Machinery) Korea | 12.2021 | Дона | 1 | 4 724 327 366 |
| 2. | “Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 3. | “Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 4. | “Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 5. | 2Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 6. | “Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 7. | 2Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 8. | “Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 9. | “Toyoda JAT-810” русумли тўқув дастгоҳи | 01.2022 | Дона | 1 | 1 024 240 767 |
| 10. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |
| 11. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |
| 12. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |
| 13. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |
| 14. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |
| 15. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |
| 16. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 950 156 |
| 17. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 18. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 19. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 20. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 21. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 22. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 23. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 24. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 25. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 26. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 19 963 290 |
| 27. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 866 417 |
| 28. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |
| 29. | “Toyoda Air Jet Beam” русумли тўқув ғалтаги | 12.2021 | Дона | 1 | 18 864 704 |

**Очиқ электрон-онлайн аукцион савдо 2024 йил 21 июнь куни соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 20 июнь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2024 йил 21 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йилнинг сотилмаган кунидан бошлаб 15 кун оралиғида 2 маротаба ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш кун аввал соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Respublika mulk markazi” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Барча маълумотларни олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
**Тел.:** 71-237-23-86.
https://online-auksion.uz электрон онлайн платформа.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### 2024 йил июнь ойининг 14 – 20 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Йўлдош Раҳматов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш қоидаларига риоя этиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шерзод Қаюмходжаев,** Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва ташишга қўйиладиган технологик талабларга риоя этилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Элёр Абдазимов,** Ахборот-таҳлил қилиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва маъмурий амалиёт бўлими бош мутахассиси **Камил Заҳидов,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бош бухгалтери **Бобур Хўжақулов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассислари **Жасур Балтаев, Шаҳноза Арипова,** мутахассис **Ҳасанбой Абдуфаттохов,**

“O'zog'irsanoatloyiha” АЖ ишлаб чиқариш бўйича директори ўринбосари **Шайдулла Ашуров,** бош мутахассис **Игорь Олещук,**

“Ташгипрогор” АЖ бўлим бошлиғи **Владимир Тараборин,**

“O'zshaharsozlik LITI” “Навоий” филиали етакчи архитектори **Камолиддин Комилов,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқариш бошқармаси етакчи муҳандиси **Сайёра Курбанкулова,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқариш бошқармаси 3-устахонаси архитектори **Зебо Сайфитдинова,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқариш бошқармаси 10-устахонаси техниги **Суюнбек Олмосов,**

“ЎзГАШКЛИТИ” Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш институтининг “Самарқанд” филиали директор ўринбосари **Ғолиб Бобоев,**

Бухоро вилояти Когон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бекзод Абдуллоев,** Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Беҳруз Бахшуллаев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспекторлари **Фозил Ҳайдаров, Неъмат Холов,** мутахассис **Мирзобек Қаюмов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Одил Субҳонқулов,**

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Рустам Ботиров,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Дониёр Олимов,**

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Туман ва шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Отабек Болабеков,** Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Достон Мухсумбоев,** Ер муносабатларни тартибга солиш ва шаҳарсозлик хулосаларини тайёрлаш бўлими етакчи мутахассиси **Убайдулла Болтабоев,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассислари **Шуҳратжон Ҳошимов, Дилноза Усмонова, Жавлонбек Мунавваров,** Архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Равшан Ҳусанов,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси рақамли технологиялар бўйича бош мутахассиси **Жамол Каримов,** Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бўлими бошлиғи **Равшанбек Аллаберганов,** Тупроққалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамшидбек Аббазов,**

Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Искандар авлоди” МЧЖ БСК бош директори **Насриддин Иброҳимов,** Пахтакор туманидаги “Пахтакор янгиланиш” МЧЖ БСК бош директори **Жасур Ражабов,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Файз барака Бўстон” МЧЖ БСК бош директори **Нодирбек Жўраев,** “Samo Boshqaruv BK” МЧЖ бош директори **Ойбек Рўзиев,**

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги “Omadli-Ishonch-2020” МЧЖ БСК бош директори **Шокир Мирзаев,** Зарафшон шаҳридаги “Zar Gold Best Boshqaruv Kompany” МЧЖ бош директори **Шавқидин Шукуров,** Нурота туманидаги “Nur Kommunal xizmat BSK” МЧЖ бош директори **Облоқул Муродов,**

Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Ммм Сервиз Бошқарув” МЧЖ БСК бош директори **Мирғани Мирюнусов,**

Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги “Фарғона Доно коммуналчи” МЧЖ БСК бош директори **Доно Ҳошимова,**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Billyurabonu” МЧЖ БСК бош директори **Матлуба Тажиева,** Олмазор туманидаги “New Olympic Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Холида Тўлаганова,** “Olmazor Ta'mir Servis Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Маҳбуба Джўраева,** Юнусобод туманидаги ПУК “Маржона сифатли сервис” бош директори **Даврон Касимов,** “Бекиров анд Миршахидов” МЧЖ БСК бош директори **Ризо Бекиров,** “Zarmetan Service PBK” МЧЖ бош директори **Нурилла Деҳқонов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**




# Садоқат ва ибодат рамзи

**Шодиёр ДЖАМАНҚУЛОВ,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи в.в.б.

**Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳияти нимада экани, унга қандай тайёргарлик кўриш ва бу кунни қандай ўтказиш ҳамда тарихи ҳақида билиш мусулмончиликнинг энг муҳим масалаларидан саналади. Қурбон ҳайити тақвимдаги алоҳида сана бўлиб, ҳар бир мусулмон учун йилнинг энг муҳим кунларидан бири ҳисобланади. Бу ҳажнинг тугашини англатади. Араб тилидаги турли манбаларда унинг яна бир номини кўриш мумкин. “Iyd al-Adha” – “Қурбон байрами”, “Қурбонлик байрами”. Ўзбекистонда тез-тез учрайдиган “Қурбон байрами” номи туркий тилдаги икки сўз бирикмасидан ҳосил бўлган: “қурбон” ва “байрам”.**



Қурбон ҳайити зиёрат сафарининг ўзига хос чўққиси ҳисобланади. Бу мусулмонларга инсоннинг Аллоҳга бўлган садоқати, Аллоҳнинг раҳм-шафқати ва хайрли ишларни қилиш зарурлигини эслатувчи асосий диний байрамлардан биридир. Шу куни барча мамлакат мусулмонлари Иброҳим пайғамбар томонидан қилинган қурбонликни эслашади. Қуръонда тушида фариштани кўрган Иброҳим пайғамбар ҳақида айтилади. У фаришта Аллоҳнинг элчиси бўлиб, унда ўғлини қурбонлик қилиши кераклиги ҳақидаги амрни етказади. Бу пайғамбар учун иймон синовига айланади. Қурбонлик учун ҳамма нарса аллақачон ҳозир бўлганида Қодир Аллоҳ содиқлиги ва итоаткорлиги учун уни мукофотлайди. Ҳадисларда таъкидланганидек, Иброҳим алайҳиссалом ўғлининг кўйлагини еча бошлаган ва маросимни ўтказишга тайёр бўлганида, бир овозни эшитиб қолиб, орқасига ўгирилиб қараса, қурбонлик учун рухсат берилган оқ қўзичоқни кўради.

Қуръон сураларида туя ҳам қурбонлик қилингани айтилган. Бироқ бошқа ҳайвонлар ҳам қурбонлик қилиниши мумкин. Бу нафақат қўй, балки, эчки, сигир ёки буқа ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими, амалга оширилаётган маросим Аллоҳга иймон келтириш ва ибодатнинг далилидир.

Мамлакатимизда ҳар йили Қурбон ҳайити нишонланишидан олдин Ўзбекистон Мусмулмонлари идораси томонидан тегишли қарор қабул қилинади. Шундан кейин байрам ўтказиладиган сана эълон қилинади. Мўмин-мусулмонларимиз бу йилги Қурбон ҳайитини нишонлашга ҳам алоҳида тайёргарлик кўришди. Халқимизга қулайлик яратиш ва байрамни муносиб нишонлаш учун қўшимча дам олиш кунлари ажратилди.

Мусулмонлар оламидаги улуғ байрам “Iyd al-Adha” – “Қурбон байрами”, садоқат ва ибодат рамзи бўлган муқаддас кун билан барча мусулмон аҳлини муборакбод этамиз.

# “Сизга бошқа ҳукм, менга бошқа ҳукм буюрилган”

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланган Қурбон ҳайити дунё мусулмон жамияти миқёсида кенг нишонланадиган улуғ айёмдир.**

**“Ҳайит” сўзи араб тилидан кириб келган бўлиб, “ийд” – байрам маъносини билдиради. Ислом анъанасига кўра, иккита ҳайит байрам сифатида нишонланади: Рамазон ҳайити (Ийд ас-сиғар, Ийд ал-фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-кабир, Ийд ал-адҳо). Мусулмон оламида ҳайит кунлари ой тақвими асосида белгиланади. Қурбон ҳайити зулҳижжа ойининг ўнинчи кунига тўғри келади.**

Юртимизда ҳам ушбу байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Ҳар йили Қурбон ҳайитини нишонлаш давлат даражасида ташкил қилиниши ҳам бунинг яққол исботидир. Жорий йилги Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги Президент қарорига кўра, ҳафтасида беш кун ишловчилар учун кетма-кет 4 кун дам олиш бўлса, олти кунлик ишловчилар учун 3 кун кетма-кет дам олиш бўлади. Шунингдек, қарорда масъул вазирлик ва идораларга муборак Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, юртдошларимиз учун муборак Қурбон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратиш вазифалари кўзда тутилган.

Қурбонлик ҳижрий иккинчи йил вожиб бўлган бўлса-да, лекин унинг тарихи анча узоқларга – Иброҳим алайҳиссалом замонларига бориб тақалади. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қурбонлик қилинглар! Албатта, у отамиз Иброҳим алайҳиссаломнинг суннатларидир”, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Шунингдек, Иброҳим алайҳиссаломга тушларида: “Сиз ўз фарзандингизни жонини бизга фидо қилинг” деган амр бўлди. Иброҳим алайҳиссалом бу ҳукмни Исмоил алайҳиссаломга баён қилдилар. Исмоил алайҳиссалом эса “Эй отажон, сизга (тушингизда Парвардигор томонидан) буюрилган ишни қилинг. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсиз” дедилар. Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломни пешоналарини бир нарса устига қўйиб, забҳ қилишни бошлаб, куч билан пичоқни тортган эдилар, пичоқ кесмади. Чунки Иброҳим алайҳиссаломга “сўйинг” деб, пичоққа эса “сўймагин” деб ҳукм бўлган эди. Иброҳим алайҳиссалом ғазабланиб пичоққа: “Сенга нима бўлди, нима учун кесмаяпсан?” дейдилар. Пичоқ: “Эй Иброҳим! Сиз ўз ишингизни қилинг, мен ўз ишимни қиламан. Чунки сизга бошқа ҳукм, менга бошқа ҳукм буюрилган”, деди.

Дарҳақиқат, пичоққа “Ўтмас бўл” деб ҳукм бўлган эди, у ўтмас бўлганди. Иброҳим алайҳиссаломга эса “Сўйинг” деб ҳукм бўлган эди, улар сўйишга киришдилар. Шу пайтда ғайбдан овоз келди: “Эй Иброҳим, дарҳақиқат сен (кўрган) тушингни рост-бажо қилдинг”. Иброҳим алайҳиссаломнинг бу амаллари сабаб қурбонлик масаласи ечим топди. Аллоҳ таоло унинг бу амалига ниҳоятда “улкан амал” деб баҳо берди. Чунки у зот ўз тарафларидан қилиниши керак бўлган ишни мукаммал адо этган эдилар. Улар ўғилларини сўйишга ётқизиб, унинг бўйнига пичоқ тортаётган вақтларида пичоққа “сўйма” деб амр бўлганини билмаган ва пичоқ ҳам ўз ишини қилмаслигидан бехабар эдилар. Балки, “пичоқни тортаман ва шу билан қурбонлик иши тамом бўлади” деб ўйлаган эдилар.

Бу қисса ҳақида Аллоҳ таоло шундай баён қилади:

– Албатта, Биз, чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Албатта бу (яъни Иброҳимнинг ўз ўғлини қурбон қилишга буюрилиши) очиқ-равшан имтиҳондир холос. Биз (Исмоилнинг) ўрнига (Иброҳимга) катта бир (қўчқор) сўйишни – қурбонликни эваз қилиб бердик (яъни катта бир қўчқорни жаннатдан туширдик).

Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаи икромларга Ислом таълимотларидан тушунтириш олиб борувчи суҳбатларидан бирида Қурбон байрами ҳақида, унинг мусулмон уммати ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз юритиб қуйидагиларни айтдилар: “Қурбонлик кунини ийд қилишга амр қилиндим. Уни Аллоҳ бу уммат учун қилгандир”, дедилар. Бир киши: “Айтингчи, мен урғочи манийҳадан ўзга нарса топмасам, уни қурбонлик қиламанми?” деди. У зот: “Йўқ! Лекин сочингни ва тирноқларингни оласан. Мўйлабингни қисқартасан. Қовуғингни тозалайсан. Ана ўшалар, Аллоҳнинг наздида сенинг қурбонлигингнинг тугал бўлганидир”, дедилар”. (Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.)

**ҚУРБОНЛИК КИМЛАРГА ФАРЗ ҚИЛИНГАН?**

Қурбонлик қилиш – Ислом шиорларидан биридир. Аллоҳ таоло Қурбон ҳайити кунида бизларни ҳайит намозини ўқишга, қурби етган кишиларни эса қурбонлик қилишга буюрган. Қуръони каримда бу ҳақда шундай баён қилинган: “Бас, Роббингиз учун намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг!” (Кавсар сураси, 2-оят). Фуқаҳоларимиз қурбонликнинг маъносини таърифлаб: “Қурбонлик бу – муайян ҳайвонни махсус вақтда сўйишдир”, – деганлар. Қурбонлик иккинчи ҳижрий санада жорий бўлган. Ҳанафий мазҳаби бўйича қурбонлик қилиш вожибдир. У – ҳур, балоғат ёшига етган, оқил, муқим, яъни сафарда бўлмаган ва закот нисобига эга бўлган мусулмон шахсга вожиб бўлади. Қурбонлик қилишнинг вақти ҳайит куни тонг отиши билан киради ва учинчи ҳайит куни қуёш ботиши билан чиқади. Қурбонлик қилиш ҳайит намози ўқиб бўлингандан кейин бошланади. Бу ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Дарҳақиқат, бугунги кунда аввал бошлайдиган ишимиз ийдул азҳо (қурбон ҳайити) намозини ўқиш, сўнгра (уйларимизга) қайтиб қурбонлик қилишдир. Ким шундай қилса, демак у суннатимизга мувофиқ иш қилибди. Кимдаким ҳайит намозидан олдин сўйса, у қурбонлик эмас, балки ўз аҳли учун тақдим қилган гўштдир” (Имом Бухорий ривояти).

Қурбонлик қилинадиган ҳайвонлар мол, туя, қўй ва эчкилардан иборатдир. Бу ҳайвонларнинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам, бичилгани ҳам қурбонлик қилинса, бўлаверади. Булардан бошқа ҳайвонларни қурбонлик қилиб бўлмайди. Мол билан туяни 7 кишигача шерик бўлиб сўйиш мумкин. Бунда шерикларнинг ҳаммаси мусулмон ва қурбонликни ният қилган бўлиши шарт. Аммо улардан бирортаси шунчаки гўшт учун қўшилган бўлса, қолган барча шерикларнинг қурбонлиги ўтмайди. Сўйилган ҳайвоннинг гўшти шериклар ўртасида тарозида ўлчаб тенг тақсимланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қурбонлик қилишдан мақсад – банданинг Аллоҳ таоло амрига бўйсуниши ва тақвосини намоён этишдир. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Аллоҳга (қурбонлик) гўштлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли – У зотни улуғлашларингиз учун – уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!” (Ҳаж сураси, 37-оят).

Демак, қурбонлик қилувчи шахс нияти тўғри бўлиши, амалини холис Аллоҳ таоло учун қилган бўлиши лозимдир. Қолаверса, бу амални бажаришда Аллоҳ таолонинг буюклиги ва динининг улуғлиги зоҳир бўлади.

# Яқинлари ҳурматини қозонган инсон



Инсон ҳаёти давомида ўқийди, ўрганади ва уларга амал қилишга интилади. Кимки ўз ўрганганларига амал қилиб, бошқаларга ҳам ўргатса, ҳар бир айтган сўзи таъсирли бўлади. Эшитган одам ҳам ўша инсондан ўрнак олишга ҳаракат қилади. Ўрганганларига амал қилувчиларни ҳаётимиз давомида кам учратамиз.

Инсондан қоладигани эзгу амаллар ва хайр ва яхшиликлардир. Бугун ҳам боқий дунёга рихлат қилган қалби ҳассос инсон ҳақида гўзал хотир қилиб турибмиз. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида 2002 йилдан буён турли лавозимларда фаолият юритган **Алияр Жақсимуратов** ҳам чин маънодаги фидойи инсон эди. Яқинлари ва ҳамкасблари орасида ҳам ўзига яраша ҳурмат-эътибор қозонган малакали мутахассис ўз соҳасининг ҳақиқий фидойиси бўлганини бугун уни таниганлар бир овоздан тасдиқлашади.

Охирги йилларда инспекциянинг буюртмачилар билан ишлаш бўлимида бош мутахассис вазифасида ишлаб келаётган Алияр Жақсимуратов 53 ёшида оламдан ўтди. У киши яқинларига меҳрибон, дўстларига садоқатли, қадрлашни биладиган оққўнгил инсон эди.

Инспекция жамоаси чуқур ҳамдардлик билдириб, марҳумнинг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига сабр-тоқат тилаб, таъзия изҳор қилади. Самимий ва мардлиги билан яқинлари ҳурматини қозонган Алияр Жақсимуратовнинг хотираси дўстлари ва ҳамкасблари қалбида қолади.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-641.
1686 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.
**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.
ЎзА якуни – 23.19.
Топширилди – 01.15. 1 2 3 4 5 6

Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2024 йил 17-18 июнь қўшимча дам олиш кунлари этиб белгиланганi сабабли газетамизнинг ушбу сони 18 июнь куни чиқиши мўлжалланган сони билан қўшилган ҳолда чоп этилмоқда.
**Газетанинг навбатдаги сони 21 июнь куни чиқади.**